



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАМИН СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 2 август
жума
Сотувда эркин нархда
№ 158 (2986)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Ғарбда қудратли
давлатлар билан
стратегик ҳамкорлик
алоқаларини
ўрнатган Ўзбекистон
энди Шарқдаги етак-
чи давлат билан ҳам
қалин шерикликни
расмийлаштирди.

ЎЗБЕКИСТОН-ЯПОНИЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Япония ҳукуматининг таклифига биноан 28-31 июль кунлари расмий ташриф билан Кунчиқар мамлакатда бўлди.

Ўзбекистон дунёнинг яна бир қудратли давлати билан стратегик ҳамкор бўлди. Гарчи, мамлакатимиз билан Японияни ушбу ташрифга қадар ҳам стратегик ҳамкор давлатлар, деб ҳисоблаш мумкин бўлган эса-да, Токиода имзоланган Дустилик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўша баёнот бундай муносабатларимизнинг расмий тасдиғи бўлди ва алоқаларни янада кенгайтириш имкониятларини очиб берди.

Япония Ўзбекистон билан ҳар томонлама яқин ҳамкорлик қилиб келётган мамлакатлардан бири. Унинг шу чоққа иқтисодий-мизга қиритган сармоиси ҳажми 1,6 миллиард АҚШ долларидан ошади. Бундан ташқари, "Тараққийта расмий ёрдам" дастури доира-сида мамлакатимизга бегарз ёрдам сифатида 100 миллион доллардан зиёд маблағ ажратилган. 2000 йилдан бугунга қадар ҳажми лойиҳалар учун жами 2,225 миллион долларлик маблағ ажратилгани назарда тутилган. 48 шартнома тузилди. Ўзбекистонда 18 япон компаниясининг ваколатхонаси, ўнга яқин қўша корхона фаолият кўрсатмоқда. Сийсий соҳада эса томонлар қўлаб-қўлаб масалаларда бир-бирига мусоабатда эканлигини таъкидламоқда. Халқаро террорчиликка қарши кураш борасида ҳам икки мамлакат бир-бирининг сай-ҳаракатларини маълум қилиб кўриб келмоқда. Ўзбекистон Япониянинг БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сафидан жой олишини ёқлаб келади.

Энди икки мамлакат ўртасидаги янги — стратегик ҳамкорлик ҳақида сўз кетар экан, аввало, бу муносабатларнинг мазмун-моҳиятига тўхталिश даркор. Гап шундаки, айрим мамлакатлар ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, маълум муддат давомида муайян давлат билан қўша ҳамкорлик қилиш, дунё сийсий ва иқтисодий ҳаёти ёки ҳамкор мамлакатдаги вазият ўзгариб қолса, тўғрисида тешари кибиши мумкин. Стратегик ҳамкорлик эса, айрим ўзгаришлардан қўша назар уюқ муддат, қалин, ўзаро ишончга йўрилган муносабатларни назарда тутди.

Мақру ҳужжатда томонлар тенглик, ўзаро аниқлашув ва халқаро ҳуқуқнинг умумий қабул қилинган тамойил ва меъёрларига асосланган ҳолда дўстона муносабатлар ва стратегик ҳамкорликнинг ривожлантириш ниятини билдирди. Икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим вазифаларини сифатида савдо, сармоя, технология, таълим ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш белгилаб берилган. Шунингдек, Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатилишидан Ўзбекистон ҳам, Япония ҳам бирдай манфаатдорлигини таъкидлаган. Япония томонидан Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда яроқроқлидан холи эна яратиб ташаббуси қўлаб-қўватланиши айтиб ўтилган.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Японияга ташрифи шу ҳафтанинг бешинчи кунини билан бир қаторда ушбу мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларда янги саҳифани очиётганлиги билан ҳам алоҳида таъкидланади.

Ўзбекистон шу йилнинг март ойида АҚШнинг стратегик ҳамкори деб эълон қилинган эди. Эндиликда мамлакатимиз расман ҳам Ғарб, ҳам Шарқнинг энг қудратли давлатлари билан ўта қалин ишончли муносабат ўрнатди. Агар бу доирага Европадаги ишончли ҳамкорларимизни ҳам қўшсак, Президентимиз Ислам Каримовнинг узқоқни қўлаб, оқиллик билан юритаётган оқилона сийсати туфайли Ўзбекистон халқаро майдонда нечоғли юқоқ ўринга эга бўлаётгани аққол намоён бўлади.

Токиода Президент Ислам Каримов ва Бош вазир Жунитиро Коидзуми имзоланган иккинчи ҳужжат — Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги илохотларни қўлаб-қўватлаш тўғрисидаги қўша баёнот ҳам гўят муҳим аҳамиятга эга. У иқтисодийнинг қўлаб соҳалари бўйича икки томонлама қўша ҳужжатларини тақомиллаштиришни назарда тутди. Жумладан, унда энергетика соҳасидаги ҳамкорлик, савдо-иқтисодий муносабатлар, сармояларни ўзаро йиғиштириш ва рағбатлантириш, ҳаво алоқалари ҳамкорлигини янада кенгайтириш каби масалалар қамраб олинган. Албатта, Япония томони бундан бундан ҳам Ўзбекистондаги илохотларни янада кенг қўлаб-қўватлаши алоҳида таъкидланади.

Япония Бош вазирининг қароргоҳида давлатлараро ҳуж-

жат имзоланиши жуда ноёб воқеа. Ислам Каримовнинг ташрифи чоғида ҳужжатлар айнан Бош вазир қароргоҳида имзоланган Япониянинг мамлакатимизга нисбатан алоҳида муносабатидан далолатдир. Бу стратегик ҳамкорликдан фақат Ўзбекистон эмас, Япония ҳам манфаатдорлигини, икки томонда ҳам алоқаларни шундай юқоқ даражага кўтариш учун интилиш гўят кучли эканлиги тасдиқланади.

Умуман, Токиода жами ўн тўртта ҳужжат имзоланиб, ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори гўят мустаҳкамланди ва мазмунан бойиди. Икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг "Мишубиси", "Мицуи", "Марубени", "Нисе Иваи" корпорациялари билан ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият мишубиси банк билан "Bank of Tokyo-Mitsubishi" ўртасида имтиёзли кредит борасида, "Ўзбекитуризм" Миллий компанияси билан Япония сийсий агентликлари уюшмаси ва бошқа сийсий компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар, 348 миллион иенлик грант ажратилиши ҳақидаги нота ва бошқа муҳим ҳужжатларга имзо қўйди.

Ислам Каримовнинг Токиодаги Васеда университети томонидан ушбу муассасанинг ҳуқуқ фанлари бўйича фахрий

доктори этиб сайлангани ҳам гўят муҳим воқеадир. Ўзбекистон-Япония илмий муносабатлари ривожига қўшаган улкан ҳиссаси. Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош ташаббускори ва ижодкори бўлгани учун Васеда университети илмий кенгаши Ўзбекистон Президентини ана шу унвон билан тақдирлади.

Университетдаги тантанали йиғилишда Ўзбекистон Президентини Фармони билан икки мамлакат халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, илм-фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўшаган ҳиссаси учун таниқли олим ва жамоат арбоби, Васеда университети ректори Такаёсу Окушима Ватанимизнинг "Дўстлик" ордени билан тақдирлангани эълон қилинди. Ислам Каримов ордени топишар экан, бу ҳам Ўзбекистон-Япония дўстлигининг рамизи эканлигини таъкидлади.

Қабул қилинган ҳужжатларнинг аҳамияти ҳамсафэр чоғида Ислам Каримовнинг ҳукумат, ишбилармон ва академик доиралар вакиллари билан самарали, сермазун, очик, дўстона музокарали Президентимизнинг ташрифи юқоқ даражада ўтганидан далолат беради. Ташриф натижаларини сарҳисоб қилар экан, Президент Ислам Каримов уч масалани алоҳида қайд этди.

Биринчиси, шубҳасиз, Ўзбекистон ва Япониянинг

стратегик ҳамкорлиги расман ўз тасдиғини топганидир.

Яна бир натижа шуки, сийсий соҳадаги муносабатлар таоммила янги босқичга кўтарилди. Япония Либерал-демократик партияси мамлакатда қарийб 50 йилдан бунён ҳукмронлик қилади. Ана шу партия ташаббуси билан парламентда "ДДП-Ўзбекистон" дўстлик лигаси тузилган. Ислам Каримов Токиода партия етакчилари билан мулоқотда бўлди. ДДПнинг бош қароргоҳида ўтказилган қабул маросимида кечган ушбу сўхбатлар гўят самийий бўлиб, мезбонларнинг муносабатига чуқур эҳтиром, меҳр ва дўстлик руҳи аққол сезилиб турарди.

Ислам Каримовни Жунитиро Коидзуми ва император

Акихито ҳам ниҳоятда самийий кўтиб олди.

Император билан учрашув эса алоҳида мавзу. Таоммила биноан, император ҳеч маҳал бир давлат раҳбарини, у неча марта Японияга ташриф буюриши ва ташрифи қандай мақомда ўтишидан қатъи назар, икки марта қабул қилмайдди. 1994 йилнинг майида Акихито билан учрашган Ислам Каримов бу сафар ҳам император саройида меҳмон бўлди. Яна бир гап. Япония императори камдан-кам ҳолларда меҳмонларни шахсан кўтиб олиб, кузатиб қўяди. Мамлакат халқининг фахри ҳисобланган бу шахсининг Ўзбекистон раҳбарига гўят илқ муносабат билдириши — музокарадаги очиклик ва самийий-

лиги, юртимизга хайрихоҳлиги муҳим аҳамият касб этди.

Зеро, халқ ўзи эҳтиром этадиган, фахрланадиган кишининг нуқтан назарини қўлаб-қўватлайди. Демак, Япония императорининг давлатимиз раҳбарига кўрсатган эҳтироми замирида қатта маъно-маъмул муҳасам.

Шундай қилиб, Токиода Ўзбекистон-Япония сийсий муносабатлари янада юқоқлиги палласига киргани аён бўлди. Бу албатта, мамлакатимизнинг одил сийсати, Ислам Каримов раҳбарлигида амалга оширилган илохотларнинг эътирфи, халқимиз ва ҳукуматимизга эҳтиромдан дарақ беради.

Ташрифнинг яна бир ўзига хос жиҳати унинг иқтисодий

музокарадаги бой бўлганидир. Ислам Каримов ташрифи билан айтганда, "Япония иқтисодийини тебратиб турган" йирик корпорациялар раҳбарлари билан алоҳида учрашувлар бўлди, ишбилармон доираларнинг нуфузли вакиллари иштирокида қабул маросими ўтказилди. Кўтаринки руҳда ўтган сўхбатлар давомида энергетика, ахборот технологиялари, тўқимачилик, кимё ва енгил санает, коммуникация тизимларини тақомиллаштириш борасида қўлаб-қўватлашувларга эришилди.

Айниқса, пахта ва ипакни қайта ишлаш санаети соҳасидаги келишувлар алоҳида эътиборга молик. Қайси мамлакатда бў соҳада тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, иш умумдорлиги оширилиб, маҳсулот сифати бўлиши таъминланса, пахта ва пилладан келадиган даромад бир неча баробар юқори бўлади. Энди Ўзбекистоннинг ушбу соҳаларига ҳам Япония техника ва технологиясини кўпроқ жорий этилиши аниқ.

Ислам Каримов Ўзбекистон Япония учун Марказий Осиёга кўпик вазифасини ўташини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, сўнгги вақтларда жуда кўп давлатлар қатори Япониянинг ҳам Ўзбекистон ва Марказий Осиёга муносабати тудан ўзгарди. Сўнгги бир йил ичида эса, бутун дунё Ўзбекистоннинг қайтадан таниди, десақ, хато бўлмайдди. Бунинг сабаби кўп. Ўзбекистоннинг минтақамиздаги стратегик, жўрғофий-сийсий аҳамияти, захиравий имкониятлари, иқтисодий салоҳияти муҳимлигини энди ҳеч ким инкор этмайдди.

Шундай қилиб, Ислам Каримовнинг Японияга сафари улкан натижалар билан аққуланди. Таъкидлангандак, Ғарбда қудратли давлатлар билан стратегик ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган Ўзбекистон энди Шарқдаги етакчи давлат билан ҳам қалин шерикликни расмийлаштирди. Мамлакатимиз кунчиқар Шарқдан кунботар Ғарбгада дўстлик ва ҳамкорлик қўлини чўшмоқда. Ташриф чоғида эришилган келишувлар эса тез орада ўз самарасини бериши, шубҳасиздир.

Ўзбекистон ва Япониянинг тарихи минглаб қилметрлик узоқ масофа ажратиб турса-да, аммо бу икки мамлакат ўртасида қўпгина муштаракликлар ҳам бор. Бу Шарқ кишиларига хос бўлган — кексаларга ҳурмат ва эъзоз, ўзаро самийийлик, оққўнғиллик, бағри кенглик, тартиб-интизомлик, оқилоналик ва донишмандлик каби хислатлардир. Демак, икки шерик давлат Буюк Ипак йўлининг — бу қадимий ўзаро яқин манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик йўлининг энг яқин аъёнларини янада ривожлантириш ва муваффақиятли давом эттириш учун барча асосларга эга.

Шерзод КУДРАТХУҲАЕВ.
Анвор БОБОЕВ,
ЎзА маъмул мухбири
Тошкент — Токио — Тошкент.
Абдувоҳид ТўРАЕВ олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Японияга ташрифи шу ҳафтанинг бешинчи кунини билан бир қаторда ушбу мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларда янги саҳифани очиётганлиги билан ҳам алоҳида таъкидланади.

золадилар ва халқаро террорчиликка қарши курашда бир-бирга саъй-ҳаракатлар қилмоқдалар» — «The Japan Times» номи энг оммабоюн газетанинг 30 июлдаги сонидан эълон қилинган мақола ана шундай деб аталади. «Икки томонлама ҳаво алоқасини йўлга қўйиш масаласида ҳамда халқаро террорчиликка қарши кураш чора-тадбирлари ва Афғонистонни қайта тиклаш бўйича одил бораётган ишлар муҳокама қилинган ўзаро музокараларда Япония ва Ўзбекистон ўзаро яқин иқтисодий ва сийсий муносабатларини янада мустаҳкамлашга келишди» — деб таъкидлади газета ва унда яна шундай дейилди: «Каримов Япония ўз-ўзини ҳимоя қилиш Ҳарбий-денгиз кучлари ўз ҳарбий кемаларини Хид океанига кечтириш йўналишидаги АҚШда ўтган йилнинг 11 сентябрда эъ берган террорчиликка қарши ҳужумларни қўлаб-қўватлаш ниятига катта ёрдам бўлаётгани алоҳида таъкидлади. Япония Марказий Осиёда бу бутун дунёда фаолиятини таъминлашда янада фаол роль ўйнаши лўзим, деди жаноб Каримов. Ҳузида, жаноб Коидзуми ҳам, Япониянинг Марказий Осиёдаги ўзбекистон билан биргаликда халқаро террорчиликка қарши курашини ва бошқа халқаро масалаларда ҳам ҳамкорлик қилиши керак, деди».

CNA интернет-сайти ушбу

давлат ташрифи натижаларини таҳлил қилар экан, «Ўзбекистон ва Япония Афғонистонда террорчилик ва барқарорлик ўрнатилиши йўлида ҳамкорлик қилмайдди» деб ёзади ҳамда Япония томонидан Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда яроқроқлидан холи эна яратиб ташаббуси қўлаб-қўватланганлигини таъкидлади.

«Каримов Токиога кўпик қурмоқда» — Би-Би-Сининг ана шундай номланган сайт материалда икки томонлама ҳамкорлик муносабатлари жавабларига кенг қўламли назар ташланади.

Ўзбекистон Президентининг Японияга ташрифи Тошкентга Ўзбекистон билан ҳамкорликни кўчатириш ва бу мамлакат ривож учун сармоя киритишга оид тадбирларни гуруҳи сафаридан кейинки кетма-кет ўз берди. Ўзбекистон билан алоқаларни мустаҳкамлаш — яқиндан бошлаб Токио томонидан юритилаётган «Буюк Ипак йўли дипломатиксининг таркибига бир қисмидир. Маълумки, бу дипломатия Марказий Осиё мамлакатларини шу йўналишдаги бошқа давлатлар билан иқтисодий интеграцияга киритишга даъват этади. Айниқса энергетика соҳасида ҳамкорликка алоҳида эътибор қилинмоқда. Япония ўзига четдан нефть олиш йўлиларини қўлаб-қўватлашнинг хоҳлаётгани, чуқик ёқилғининг катта қисмини Форс қўлигидан ва Жанубий Шарқий Осиёдан олиши. Бироқ, иқтисодийдан ташқари, Япония Марказий Осиё билан маданий алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам интилоқда. Қадимий Ипак йўли орқа-

ди нафақат савдо моллари ҳаракатланган, балки бу йўллар янги гўялар ва технологияларни ҳам узатган. Жумладан, айнан шу йўллардан Японияга ва Хитойга Хиндустондан Марказий Осиё орқали булдизми келиб қолган. Япониянинг сўнгги йилларда Марказий Осиёдаги ўрни тобора яқдорроқ сезилмоқда. Энг алоҳида, бу инфратузилмаларни қайта қуришда — йўлларни ва тиббиёт хизматини ахиқлашда, савдода қўша ташланади» — деб ёзади Би-Би-Си.

Дунёда, жумладан, минтақамизда 2001 йилнинг 11 сентябрдаги фожиаи воқеалардан кейин руҳ берган ўзгаришлар Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги алоқаларнинг фаоллашувида янги куч бағишлади. Президент Ислам Каримов ва Бош вазир Жунитиро Коидзуми ўзаро бир-бирларига шахсий мактублар йўллашди, унда халқаро террорчиликка қарши кураш доирасида қабул қилинаётган қарорлар ва ўтказилаётган тадбирларни қўлаб-қўватлаш халқларини низоҳ эътибори, шунингдек, бундан кейин ҳам бир-бирларини қўлаб-қўватлашга, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун эҳтисол қилинишига шай эканликларини баён қилишди. Шунинг билан бир қатар, Ж. Коидзумининг ушбу мактубини Ўзбекистон Президентига амалдаги япон ҳукумати раҳбарининг махсус элчиси ваколатига эга бўлган Мори вакир Исироири Мори тақдим этди. Бундай диққат-эътибор бежизга эмас. «KYODO NEWS» веб-сайтида таъкидланишича, «Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга

қарши уюшмага кўрсатган ёрдамнинг аҳамияти ниҳоятда катта». 11 сентябрь воқеалари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон томонидан Япониянинг БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолигига сайланиши масаласи ҳаминча қўлаб-қўватлаб келинаётганлиги алоҳида аҳамиятга ва катта амалий қимматга эга.

Япония ишбилармонлари доирасининг мартабали ва кўза кўринган намоёндалари дунёда ўз бизнесларининг ривожига янги нитиҳа ташламоқдалар. Бугунга келиб, улар жаҳоннинг бошқа минтақаларига нисбатан Марказий Осиёга, жумладан, Ўзбекистонга алоҳида қўшқини қилиб қармоқдалар. Би-Би-Си ўзи фикрини давом эттириб, ёзганидай: «Ушбу минтақадан Япония томонидан кўрсатилган ёрдам ҳамма, афтидан, ошиб боради, Токио диққат-эътиборини Тинч океани ҳавзасидаги Марказий Осиёга берган сари кўпроқ қаратмоқда. Тошкентдаги япон амалдорлари, суюворликларни белгилаб олиш вақти келиб, демоқдалар».

«The Japan Times» нашри ўзининг 28 июлдаги сонидан бундан бир саҳифани Ўзбекистон ҳамкорлик алоқаларини мавзусига бағишлади. Жумладан, «Ўзбекистон Президентини ташрифи — дўстлик тисмонисарлашда мақолада икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг тарихи, ҳозирги ҳамкорлик кенг таҳлил этилади ва келажакка назар ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Японияга ташрифи Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларни мустаҳкамлашнинг энг ишончли далилидир.

Шарҳловчи минбари

ГРЕЦИЯ ОЛИМПИДАГА ЖИДДИЙ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

2004 йилда Олимпиада ўйинлари Грецияда ўтиши ҳақидаги хабар тарқалмасиданоқ, маъмур мамлакат ҳукумати ушбу жаҳоншумул тадбирга тайёргарликни бошлаб юборганди. Чунки, маъмур ўйинларнинг ватани ҳисобланган Юнонистонга йилига ўн минглаб сайёҳлар ташриф буюради. Мамлакат газнасига келиб тушадиган даромад ҳам асосан, туризм соҳасидандир. Шунинг учун ёзу киш грецияликлар мамлакатни ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келади.

Пойтахт — Афинада аллақачон қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Спортнинг бир қатор турлари бўйича ўтказиладиган мусобақаларнинг ҳар бирига алоҳида жой ҳозирланмоқда. Унга яқин янги стадион барпо этилаётди. Асосий эътибор Олимпия ўйинлари очилиш маросими ўтказиладиган ўйингоҳга қаратилмоқда.

Охири март Австралия пойтахти — Сиднейда ўтказилган олимпиаданнинг очилиш ва ёпилиш маросими ўзининг ранг-баранглиги билан муассирларда катта таассурот қолдирган эди. Греция маданият вазири Эвангелос Венизелоснинг айтишича, грецияликлар бу галги тадбирни олдингисидан қолишмайдиган даражадаги кўтаринкилик

билан ўтказишга бел боғлашган. Тадбирнинг олий даражада ўтиши учун ўн минглаб кишилар сафарбар этилган. Қизғин шундаки, янги иншоотларни қуриш пайтида қурувчилар тез-тез қадимги обидаларнинг қолдиқларига дуч келмоқда. Бунинг ажабланилиги жойи йўқ. Зеро, юнон замини тараққиёт бешикларидан бири ҳисобланади. Бу юртининг ҳар бир қарич тупроғи улкан тарихга эга. Яқинда Афина шаҳри ҳудудига тарихи минг йиллар қаърига бориб тақалувчи обиданинг бўлаклари аниқланди. Энди қурилиш майдонларида бунёдкорлар билан бирга қадимшунослар ҳам тер тўкаётди. Топилмалар эса мамлакат музейларига топширилмоқда.

Айни пайтда Греция ҳукумати спорт байрамига ташриф буюрувчи минглаб спортчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам ташвишлантираётди. Чунки Греция ҳам террорчиликдан жабр кўрган давлатлар сирасига киради. Мамлакатда ҳуфёна фаолият олиб бораётган "17 ноябрь" террорчилик гуруҳи ўйинларнинг тинч ўтишига халал бериши мумкин. Яқинда мамлакат курулди кучлари ана шу ташвишлантириш фаолиятига чек қўйди. Бундан хабардор бўлган Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Жак Ротге нўҳотда мамнун эканини билдириб, жаҳон спорт ўйинлари кўнгиладиган ўтишига шубҳам йўқ, деди.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА, ЎзА шарҳловчиси.

Ер юзидда



Тошқинлардан четда қолмаган Буюк Британиянинг Глазго шаҳри бугун Венецияни эслатади...

Товушдан етти баробар тез

Жанубий Австралия ҳудудига жойлашган саҳролардан бирида товуш тезлигидан етти баробар тез ҳаракатланувчи учувчи аппарат синовдан муваффақиятли ўтган. Мутахассисларнинг фикрича, "Scramjet" деб ном олган ушбу реактив двигател авиакатнов соҳасида катта янгиликларга йўл очади. "Лента.ру" маълумотига қараганда, ушбу двигател ўрнатилган самолётлар Сиднейдан Лондонгача атиги икки соатда учиб келиши мумкин.

Тетрациклин овсилни тузатади...ми?

Италиялик олимлар ҳайвонларда прионлар юзага келтирувчи овсил ва шунга ўхшаш касалликларни тузатишда тиббиётда кенг қўлланиладиган оддий антибиотиклардан фойдаланиш самарали, деган фикрни билдиришмоқда. "Медновости" хабарига қўра, олимлар ўз тадқиқотларида ҳайвонларнинг ушбу касалликларини тетрациклин билан даволаш бўйича синовлар ўтказишган. Натيجада организмнинг химоя кучлари вирусларга бардош бериши аниқланган.



Шахтадаги фожиа

Донбассдаги Засядько номли шахтада юз берган фалокатда ҳаётдан кўз юмганлар сони 19 кишига етди. "Интерфакс" ахборот агентлиги тарқатган хабарга қўра, бевосита фожиа юз берган жойда 21 нафар коччи, шахтада эса умуман 700 нафардан ортиқ киши бўлган. Айни пайтда ҳодиса сабабларини ўрганиш бўйича ҳукумат комиссияси иш бошлади.

Шоликорлар чиқиши

Перунинг шимоли-шарқида жойлашган Сан-Мартин департаментида намойишчилар ва полициячилар ўртасида юз берган тўқнашулар натижасида 25 киши жабрланган. Намойишларда асосан шоликорлар иштирок этган. Улар ҳукуматдан ўзлари тайёрлаган 20000 тонна маҳсулотни аввалги қарзлари ҳисобига сотиб олишини талаб қилишган. "Интерфакс" агентлигининг хабарига қўра, бугунги кунда қарз 200 миллион долларни ташкил қилмоқда.

Намойишчилар маҳаллий аэропортига қўлга олишга уринишган ҳамда хоржихлик сайёҳларни олиб кетаётган автобусни тошбўрон қилишган. Полициячилар уларни тўхташ учун вертолётлардан кўздан ёш оқизувчи газларни ишлатган.

Сайловлар ноябрда ўтказилади

Туркия парламенти қонунчилик палатасига сайловларнинг шу йил 3 ноябрда ўтказилишини маълумлади. Сайловларнинг муддатидан аввал ўтказилишига бошқарув коалициясида мамлакат Бош вазири Бюлент Эджевитини истеъфога чиқариш бўйича юзага келган мунозаралар сабаб бўлди. Бу эса Туркияда кўламли сиёсий инқирозга олиб келди. "Рейтер" ахборот агентлиги ана шу ҳақда маълум қилган.

Террорчи ҳибсга олинди

Уругвай полицияси "ЭТА" баск террорчилик гуруҳининг етакчиларидан бири-Хесус Мария Ларис Ирриондони ҳибсга олган. Мадррид полицияси берган хабарга қўра, Ирриондо Испания сўроғига биноан қўлга олинди. "Рейтер" агентлигининг маълумотига қараганда, террорчилар етакчиси 1984 йилдан буён қидирилмоқда эди. У полицияга ҳужум қилганлик, террорчилик гуруҳи тузганлик ва ноқонуний қурол сақлаганликда айбланмоқда.

106 йилдан сўнг...



Латвияда ёзнинг ўта иссиқ келиши мамлакатда кўплаб ўрмон ёнғинларига сабаб бўлмоқда. Шу тўғрисида қатор ҳудудларда фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Утган кун Ригада ҳаво ҳарорати 34 даражадан ошиб кетган. Бу эса Латвия учун рекорд кўрсаткич ҳисобланади. "РИА"Новости маълумотига қўра, шу пайтгача шахарда энг юқори ҳарорат 1896 йил 31 июлда кузатилган эди. Ушундан у 31,9 даражани ташкил қилган. Метеорологлар бундай ҳолат ҳафтадан охиригача сақланиб қолишини айтишмоқда.

Номсиз касаллик

"Си-эн-эн" агентлиги Мадагаскарда номаълум касаллик 62 кишининг ҳаётига зомин бўлгани ҳақида хабар тарқатган. Унинг аломатлари эса грипп касаллигига ўхшайди. Касалликнинг илк ўчоги Фиаваранца провинциясидаги Иконго қишлоғида қайд этилган. Шифокорларнинг айтишича, ушбу вирус билан касалланган беморлар икки кундан ортиқ яшай олмайдди. Шундай бўлса-да, улар 150 кишининг ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлишган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИГА 2002-2003 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Академияда 4 та факультет фаолият кўрсатади:

- банк иши факультети;
- молия факультети;
- солиқ иши факультети;
- банк, молия ва солиқ раҳбар кадрларининг малакасини ошириш факультети.

Мутахассислар тайёрлаш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш қудузти таълим шаклида амалга оширилади.

Банк иши, молия ва солиқ иши факультетларида юқори малакали мутахассислар қўйидаги йўналишлар бўйича тайёрланади:

Банк иши факультети:

- пул муомаласи ва монетар сиёсат;
- инвестицион лойиҳаларни комплекс экспертиза қилиш ва молиялаштириш;
- банк менежменти, актив ва пассивларни бошқариш;
- халқаро молия бозорларидаги операциялар;
- банк аудити;

Молия факультети:

- давлат молиясини бошқариш;
- қимматли қоғозлар ва фонд бозори;
- суғурта иши;
- молия аудити;

Солиқ иши факультети:

- солиқлар ва солиққа тортиш.

Ушбу факультетларга тингловчилар фақат олий маълумотга эга бўлгандан сўнг республика банк, молия ва солиқ муассасаларида камидан икки йиллик иш стажига эга бўлган шахслардан танлаб олинади. Назарий ўқув курсини муваффақиятли тугатган тингловчилар Ўзбекистон Республикаси ва чет эллардаги етакчи банк, молия ва солиқ муассасаларига тахриба ортириш учун юбориладилар ва танлаган ихтисослиги бўйича магистр унвони олиш учун диссертация ҳимоя қиладилар.

Академиянинг ўқув дастурини тўлиқ муваффақиятли ўтиб бўлган битирувчиларга белгиланган давлат намунасидаги магистр дипломи берилди.

Академиянинг малака ошириш факультетига тингловчилар банк-молия ва солиқ тизимининг амалиётчи раҳбар ходимларидан қабул қилинади. Ўқини

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 2 майдаги Фармонида мувофиқ академия фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари халқаро банк ва молия ишларидаги энг янги ютуқларни ўқитиш йўли билан банк, молия ва солиқ ишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, банк-молия тизими раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, мамлакатимизнинг молия-кредит ва солиқ тизимини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишдан иборатдир.

Академия Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётини ривожлантиришнинг замонавий талаблари ҳамда давлат таълим андозалари, жаҳон ва

муддати 3 ойгача бўлиб, банк-молия ва солиқ ишлари бўйича асосий курсларни ўқитиш, шунингдек етакчи банк, молия ва солиқ муассасаларида тажриба ортириш ҳам шунга киради. Малака ошириш факультетини битирганларга белгиланган нусхадаги гувоҳнома берилди.

Академияда ўқини муваффақиятли битирган тингловчилар орасидан республика банк, молия ва солиқ муассасаларида раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш учун резерв тузилади. Академияни юқори рейтинг кўрсаткичлари билан битирганлар банк, молия ва солиқ тизимлари учун бошқарув бўлими раҳбар кадрларини танлашда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Академияга тингловчилар қабул комиссияси томонидан қабул қилинади. Қабул комиссиясининг

миллий банк-молия фани ва амалиёти ютуқларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқилган режа ва дастурлар асосида ўқув ва таълим фаолиятини амалга оширади.

Академиядаги чет тилларни ўрганишнинг чуқурлаштирилган ўқув ва факультатив дастури тингловчиларнинг таълим тугалланганда чет тилларидан бирини амалда тўлиқ билишларини таъминлайди.

Ўқув жараёни, илмий ва амалий тадқиқотларни юксак даражада ташкил этиш ва олиб бориш учун етакчи халқаро молия институтлари ва жаҳон тижорат банкларининг маслаҳатчилари, экспертлари ва мутахассислари жалб этилади.



факультетига 20 та тингловчини қабул қилади.

3. Ҳужжатлар 2002 йил 4 сентябрда қабул қилинади. Қабул комиссиясига қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- банк, молия, солиқ муассасалари раҳбарларининг тавсия-иштимосномаси;
- тавсия этилганнинг магистратура ихтисослиги кўрсатилган ариқаси;
- олий маълумот ҳақидаги дипломнинг асл нусхаси ва баҳолар шоваси;
- кадрлари ҳисобга олиш шахсий варақаси;
- меҳнат дафтрасидан кўчирма;
- № 086 шаклидаги тиббий маълумотнома;

— 4х6 см. ўлчамли 6 донна рангги фотосурат. Паспорт ва ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги ҳужжат бевосита кўрсатилади.

4. Академиянинг банк иши, молия ва солиқ иши факультетларига кирувчилар учун 2002 йил 2 сентябрдан 8 сентябргача кириш имтиҳонлари юзасидан консултациялар уюштирилади.

5. Имтиҳон синовлари 2002 йил 9 сентябрдан 17 сентябргача компьютер тестлари ва чет тилидан суҳбат орқали ўтказилади. Тест синовлари муайян ихтисослик ва фанлар блокларни бўйича ўтказилади:

а) банк иши факультети учун: — бозор иқтисодиёти асослари, банк иши, банк ҳуқуқи, пул муомаласи, халқаро валюта-кредит муносабатлари, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, банк менежменти ва маркетинг, банк статистикаси;

б) молия факультети учун: — бозор иқтисодиёти асослари, молия ва кредит, молия ҳуқуқи, молиявий менежмент, қимматли қоғозлар бозори ва биржа иши, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, суғурта иши, молия статистикаси;

в) солиқ иши факультети учун: — бозор иқтисодиёти асослари, молия ва кредит, солиқ ҳуқуқи, корхона хўжалик фаолиятининг таҳлили, солиқлар ва солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, молия статистикаси.

Академияга кирувчилар демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари бўйича тест синовларидан ҳамда чет тиллардан суҳбатдан ўтадилар. Тест ўзбек ва рус тилларида ўтказилади.

6. Конкурс танловни академиянинг қабул комиссияси томонидан рейтинг тизими бўйича тест синовлари ва суҳбат натижалари асосида (ихтисослик йўналиши ва ўқитиш тиллари бўйича алоҳида) ўтказилади.

7. Ўқини даврида тингловчиларнинг асосий иш жойларидаги ўртача иш ҳақлари сақлаб қолинади. Бошқа шаҳарлардан келганларнинг йўл ҳақларини, шунингдек, ётоқхона ҳақини йўлланма берган ташкилотлар тўлайди.

Хорижий тингловчилар шартнома (битим) асосида ўқитилади. Шартнома (битим) тузиш шартлари, ўқини учун тўлов ҳақининг миқдори ва муддатлари академиянинг қабул комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Банклар ассоциацияси билан келишилган ҳолда белгиланади.

8. Қабул комиссиясининг қарори 2002 йил 22 сентябрдан кечикмай эълон қилинади ва у тингловчиларнинг ўқишга қабул қилингани тўғрисида буйруқ чиқаришга асос бўлади.


9. Ўқини 2002 йил 14 октябрдан бошланади.

Манзил: Тошкент ш., А. Қюмов (с. Я. Колас) к., 16. Тел.: 68-75-92, 68-66-84.

Талабалик насиб

Тест синовлари

Этсин, сизга



Кеча республикамиз олий ўқув юрларида кириш имтиҳонлари — тест синовлари бўлиб ўтди. Кеча 230 минг абитуриент ўз омадини, билими, лаёқатини синаб кўрди. Кеча эрта тонгда барча олий ўқув юрларининг ҳовлиси рағжум бўлди. Фарзандларидан ҳам кўра ўз

лап гаплашмагин, вақтинг кетди... Ахир осонми, талаба бўлиш учун бир ўринга бир неча нафар рақиб билан куч синашига тўғри келади. Бунда, албатта, билимли, синовларга тайёргарлиги яхши бўлган ёшлар ютадилар. Чунки мана ўн йил булдики, олий ўқув юрларига кириш тест синовлари орқали ўтказилаяпти. Унинг адолат мезони эканлигини бугунги кунда кўнчилик тушуниб етди.

Олий ўқув юрларига ҳужжат топширган абитуриентларнинг етмиш фоиздан ортгани оддий меҳнатқашларнинг фарзандлари ташкил этиши қувонарли ҳол. Албатта, Ёшларнинг техника, замонавий технологияга, педагогика ҳамда иқтисодийта қизиқишларининг устулдинини шу йўналиш бўйича абитуриентлардан тушган аржаалар ҳам кўрсатиб турибди. Шу маънода янги ўқув йилида биринга Тошкент автомобиль ва йўшлар институтига 805 нафар абитуриент талабалikka қабул қилинади. Уларнинг 765 нафарига кундузги ва 40 нафарига эса сиртки ўқиш насиб етди.

Гуруҳларга бўлинган фарзандларнинг имтиҳон топширишга киритиб юборган ота-оналарнинг ҳар бири ўз хаёли билан банд. «Ишқилиб талабалик насиб этсин-да болагинам», дея негит қилади уларнинг ҳар бири. Фарзанди учун ташвишланаётган кўпроқ оналар.

Улар билан суҳбатлашамиз. — Уғлим, Музаффар Баратов шу институтга иккинчи йили имтиҳон топшириши, — дейди қаршилик Норгул Рузиева. — Бу йил кўшимча дарсларга қатнашиб, қаттиқ тайёргарлик кўрди. Оналик кўнглим сезаяпти. Бу сафар, албатта, кирди. Айтинг-айтинг, яхши ният билан келганларнинг, илоё, насибаси шу ерга қўшилган бўлсин.

Раёно Холматова Янгийўлдан ўғли Баҳодиржоннинг орқасидан келиб ўтирибди. — Мен тест синовида жуда ишонаман. Чунки у фақат билимларини саралаб олишга ёрдам беради. Уғлим техника йўналишига қизиққан боис шу ерга ҳужжат топширди. Ишқилиб, омадини берсин-да.

Шу пайт имтиҳон топширувчилардан бири хурсанд ҳолда аудиториядан чиқиб келди. Тест саволларини кўнчилиқдек бажарганининг унинг юз-кўзи айтиб турарди. Нима ҳам дердик. Биз кеча тест синовини муваффақият билан топширган барча йигит-қизларга талабалик тоғли насиб этишини тилаймиз.

Умидо ФАЙЗИЕВА,
«Жалқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: тест синовида таллаш.

Нўмонжон МУХАММАДЖОНОВ
олган сурат.

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ

Тайлим — давлатнинг муҳим фаолияти бўлиб, у шахснинг муҳим ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи, иқтисодий қобилиятини амалга оширувчи восита, мамлакатнинг илмий-техникавий ва маданий ривожини жадаллаштирувчи омилдир. Бу асосий тамойиллар «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури-да ўз ифодасини топган. Мазкур ҳужжатта мувофиқ, тайлим тизимининг барқарор ривожланиш механизми яратилмоқда ва амалга оширилмоқда. Бу жараён XXI асрнинг талабларига, шахс ва жамиятнинг иқтисодий ва иқтисодий тараққиётга мос келиши лозим. Олий ва ўрта махсус тайлим вазирилик ҳамда олий мактаб халқаро фанлар академияси «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатдаги иқтисодий ўсиш иқтисодий-маданий ўзгаришлар ва миллий истиқлол эълон қилгани амалга оширувчи омилдир» мавзусидаги муаммо бўйича кўнчилиқ илмий тадқиқотлар талловини таъин қилади:

1. Олий тайлим, иқтисодиёт ва жамиятнинг комплекс ўзаро таъсири улар ривожининг асоси сифатида: олий тайлимнинг жамият ва шахс, иқтисодий ва иқтисодий жаҳдаларига таъсир турлари; олий тайлим тизимини молиялаштириш; ўзаро таъсир таърибалари, илмий-амалий тавсиялар.
2. Тайлим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви — рақобатбардош иқтисодиётнинг асоси: интеграциялашувининг ташкилий, меъёрий-ҳуқуқий ва илмий-устулубий таъминланиши; рақобатбардош кадрларни тайёрлашда интеграциялашуви амалиёти ва муаммолари; илмий-амалий тавсиялар.
3. Кадрларни регионал тайёрлаш иқтисодий-иқтисодий ва маданий тараққиётнинг ҳал қилувчи омилли сифатида: регионнинг узок муддатли ривожини ҳисобга олган ҳолда унинг учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш истиқболлини режалаштириш; уларни олинган тайёрлаш; кадрлар тайёрлаш ўқув-устулубий жараёнининг регионал хусусиятлари; малакали кадрлар тайёрлаш регионал тизимини мазмунан ва шаклан такомиллаштириш; амалий тавсиялар.
4. Техника тайлимни фундаменталлаштириш ва гуманитарлаштириш — XXI аср мутахассисларини тайёрлашнинг муҳим асоси: техник тайлимни фундаменталлаштириш ва гуманитарлаштиришнинг илмий-амалий асослари; фундаментал ва гуманитар фанларни техник фанлар билан бирга ўқитилиши ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини ташкилий ва ўқув-устулубий жиҳатдан таъминланиши; фундаментал ва гуманитар тайлимнинг техник фанлар билан интеграциялашуви соҳасида тушунган таъриба; амалий тавсиялар.
5. Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш даврида шахс дунёқарашини шакллантириш масалалари: жамиятнинг иқтисодий-иқтисодий тараққиёти йўналтирилган дунёқараш шаклланишининг омилли эканлиги; дунёқараш шаклланишининг методологияси ва механизми; таъриба ва илмий-амалий тавсиялар.
6. Миллий истиқлолдош гоёси нуктаи назардан иқтисодий-гуманитар фанларни ўқитишдаги инновация: умуман олий тайлимда ва хусусан иқтисодий-гуманитар фанларни ўқитишдаги инновациялар; ҳозирги замон фуқаролик жамияти тараққиётининг фалсафий талқини; мутахассисларни миллий истиқлолдош гоёси руҳида ўқитиш ва тарбиялашнинг асосий вазибалари; илмий-амалий тавсиялар.
7. Фанларнинг интеграциялашган курслари малкали мутахассисларни тизимли тайёрлаш асосидир: интеграциялашган курсларни малакали мутахассисларни тайёрлашдаги роли, уларни ишлаб чиқиш методологияси; интеграциялашган курслар касбий фаолият турлари бўйича блокли тайлим асосидир; интеграциялашган билимлар асосида камровли тафаккурни шакллантириш; гуманитар ва техник тайлим интеграцияси XXI аср мутахассисининг муҳим хусусиятидир; фанларнинг интеграциялашган курслари асосида янги авлод ўқув режаларини ишлаб чиқиш.
8. Ўқувчиларни малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тайлим сифатини кўтариши ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг муҳим омиллидир: педагогик кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг ташкилий ва илмий-устулубий таъминланиши; педагогик кадрларга тайлим турларига боғлиқ равишда қўйиладиган талаблар; малака оширишни ташкил этиш ва амалга ошириш таърибаси ва амалий тавсиялар.
9. Замонавий инновацион педагогик технологиялар рақобатбардош кадрларни тайёрлашнинг тизимли ёндашишининг асосидир: замонавий инновацион педагогик технологияларнинг илмий-устулубий асослари; тайлимнинг инновационлиги; ўқитишнинг самарали изланиш даражасини педагогик ва инновацион технологиялари; педагогик ва инновацион технологияларни амалга ошириш таърибаси ва илмий-амалий тақлифлар.
10. Ўқувчиларни билим эгаллашдаги фаоллигини ошириш ва уларни мутивациялаштириш мутахассислар тайёрлаш сифатини таъминловчи омилли сифатида: ўқувчиларни билим эгаллашдаги фаоллигини оширишнинг психологик ва педагогик жиҳатлари; ўқувчиларни билим эгаллаш фаолиятини оширишнинг мотивациялаш ва унинг механизми; билим эгаллаш фаолиятини ошириш таърибаси; амалий тавсиялар.
11. Ўқув-тарбия жараёнини тизимли бошқариш сифатли кадрлар тайёрлаш асосидир: рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг илмий асослари; тайлим ва кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир этувчи устувор омиллар тизимини аниқлаш; кадрлар тайёрлаш сифатини бошқаришга тизимли ёндашиш; ўқув-тарбия жараёнини бошқаришнинг амалиёти ва натижалари.
12. Мустақил тайлим олиш ва ўзини-ўзи тарбиялаш шахс иқодий ривожига ва камолатининг асосидир: мустақил тайлим олиш ва ўзини-ўзи тарбиялашнинг ташкил этишда педагог ҳамда тайлим муассасаларининг йўналтирувчи роли; мустақил тайлим олишнинг илмий асослари, тамойиллари ва шакллари; мустақил тайлим олиш ва ўзини-ўзи тарбиялашнинг ташкилий, ўқув-устулубий ва психолог-педагогик жиҳатлари; мустақил тайлим олиш ва ўзини-ўзи тарбиялашнинг таърибаси ва натижалари; амалий тавсиялар.
13. Ўзини-ўзи назорат қилиш тайлим муассасаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш асосидир: тайлим муассасасининг ўзини-ўзи назорат (ўз-ўзини аттестация) қилишининг илмий асослари; ўқув-тарбия жараёнининг қисиларига қўйиладиган талаблар ва уларнинг ўзини-ўзи назорат қилиш механизми; тайлим муассасасининг ўзини-ўзи аттестациялаш натижаси асосида ривожлантириш режалари; васийлик кенгашларининг ривожланиши.
14. Масофавий тайлим: жорий этиш муаммолари ва таъриба: масофавий тайлимнинг меъёрий-ҳуқуқий ва ўқув-устулубий асослари; масофавий тайлим билан сиртки тайлим ўртасидаги муносабат: қарама-қаршиликни ёки шерикликми? амалга ошириш таърибаси ва амалий тавсиялар.
15. Мукаммал билимли сара кадрларни тайёрлаш: қобилиятларни излаб топишдан истеъдодни ривожлантиришга қобилиятли ёшларни излаб топиш ва танлаб олиш таърибалари, услубияти ва механизми; қобилиятли ёшлар истеъдодни ривожлантириш мукаммал билимли сара кадрлар тайёрлашнинг асосидир; амалий тавсиялар.
16. Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ бўлган эркин мавзу. Мавзу шори: «Рақобатбардош кадрларсиз рақобатбардош иқтисод бўлмайди».

Танловда иштирок этиш учун олий тайлим муассасалари, илмий ташкилотлар, олим ва мутахассислар гуруҳлари ҳамда шундай кадрларга эга бўлган ташкилотлар тақлиф қилинади. Танлов иштирокчилари тадқиқотлари бажаришда хизмат сафаридан фойдаланишлари мумкин. Ҳар бир мавзу бўйича 250 минг сўм муқофот ва 100 минг сўм ҳамда рағбатлантирувчи муқофотлар белгилаган. Материаллар 1.5 интервалда 20 машинага вароги ҳажмида жорий йилнинг 29 декабригача жўнатилиши лозим.

Манзил: 700078, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус тайлим вазирилик. Танлов шартлари ва маълумотларни кўнчилиқ телефонлардан олиш мумкин: 29-30-06, 144-19-02, 139-17-56.


Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент вилоят бўлими мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллигига бағишлаб жойларда «Мустақиллик ва маънавият» мавзусида учрашув ва давра суҳбатлари ўнатишмоқда.

Мустақиллик ва маънавият

Ана шундай таъбирлардан бири Қуйи Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» номи таъриба ҳужжалида бўлиб ўтди. Унда туман фаоллари, қишлоқ фуқаролари, йилларни расилари, оқсоқоллар, ҳалқ таълими ходимлари, ёшлар иштирок этиди. Учрашувда сўзга чиққанлар истиқлолнинг дастлабки йилларида қандайдик мамлакатимизда ҳалқимиз маънавиятини юксалтириш, қалбий ғуф-ғуф ва қадриятларимизни тиклаш, ҳуқуқий маданиятни оширишга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади. Бунинг натижаси ўларок, фуқароларимиз оғни ва тафаккурда туз ўзгаришлар юз бермоқда. Мулка эгалли, манфаатдорлик ҳисси ортмоқда. Учрашув иштирокчилари миллий истиқлолдош гоёларининг маъно-маъмуний кенг тарғиб этиш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтириш бўйича олиб бориладиган ишларни янада жонлантириш хусусида фикр алмашди.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА мухбири.

Комилжон Аҳмаджонов ЗУФАРОВ



Мамлакатимиз илм-фани оғир жузюликка учради. Бутун фаолиятини шифокорлар ва илмий кадрлар тайёрлаш ишига, табиёт фани ривожига бағишлаган етук шифокор, таниқли олим, академик Комилжон Аҳмаджонов Zufarov бешафқат ўлим орамиздан олиб кетди. Комилжон Zufarov 1925 йил 1 майда Тошкент шаҳрида туғилган. 1943-45 йиллар давомида Иккинчи жаҳон урушининг жонлиқ оқибатларида олий аскар сифатида жанг қилган. 1951 йил Тошкент давлат табиёт институтини тугатиб, ўз илмий фаолиятини ўшу билим даргоҳида бошлади. 1954 йилда номзодлик, 1962 йилда эса докторлик диссертациясини ёқлади. У Андижон табиёт институтини, Ўзбекистон Улка табиёт илмий-тадқиқот институтини, Ўзбекистон Фан-

лар академияси Ядро физикаси институтини самарали фаолият кўрсатди. Тошкент давлат табиёт институтини ректори, Улка табиёт илмий-тадқиқот институтини директори, Ўзбекистон энциклопедияси нашриёти ҳамда «Фан ва турмуш» журналининг бош муҳаррири каби масъул лавозимларда ишлаб, мамлакатимиз илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Академик К.Зуфаров катта олим ва ташкилотчи раҳбар сифатида юртимизда юқори малакали табиёт кадрларини етиштириш борасида салмоқли ишларни амалга оширди. Унинг раҳбарлигида 56 та фан доктори ва 157 та фан номзоди тайёрланди. К.Зуфаров 450 дан зиёд илмий иш, жумладан 19 та монография муаллифидир. Унинг илмий ишларининг натижалари халқаро илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган.

Академик К.Зуфаровнинг хизматлари муносиб тақдирланган. У Ўзбекистон Республикаси фан аربоби фахрий унвони ҳамда бир қатор орден-медалларга сазовор бўлган.

Табиёт илмининг фидойиси бўлган Комилжон Zufarovнинг хотираси шогирдлари ва касбдош дўстлари юрагидан асда ўчомайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилик
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Фан ва технологиялар маркази
Биринчи Тошкент давлат табиёт институтини

230 нафар Ёш иш билан таъминланади

Яккабоғлик Ёшқувват Ашуров кўпдан бун қурилиши тугалланмай ётган бинони қимомли савдосида сотиб олиб, ип-қалава ишлаб чиқариладиган фабрика қуришга киришди. Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси — «Яккабоғ-текс проджект» тўла қувват билан ишга тушган, нафақат вилоятдаги тўқимачилик корхоналари, балки экспорт учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқарилади. Яна бир эътиборли томони шундаки, 230 нафар яккабоғлик доимий иш ўринларига эга бўлади.

Янги ўқув йилига янги жиҳозлар билан

Шахрихондаги 25-ўрта мактабда хизмат муддатини ўтаб бўлган мактаб анжомлари ўрнини замонавий жиҳозлар эгаллади. Гап шундаки, жамоа Япония ҳукуматининг Ўзбекистонга инсонпарварлик ёрдами сифатида ажратган махсус грантини олишга сазовор бўлди. Энди мактабда 12 та замонавий компьютер, 9 та тикув машинаси, ишлаб чиқариш устаноналари учун комплектланган қўлланмалар, керосеклар, рангли телевизор ва магнит доскаларидан иборат 40 минг АҚШ доллари миқдоридagi ўқув жиҳозлари мавжуд.

САВОЛ БИЗДАН...

Скандинавия минтақасига кирувчи Европа давлатлари қайси?
136-35-60

Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби: Мехико яқинида.



«Наманган Экстракт-ёғ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Акциядорлик жамияти кузатув кенгаши сизга 2002 йил 31 август кунин соат 10.00да жамият жойлашган манзилда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтишини маълум этади. Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2002 йил 1 август ҳолатига тузилган.

- КҮН ТАРТИБИ:**
1. Жамиятнинг 2001 йил фаолияти бўйича олинган соф фойда тақсимоти ва бир дона акция учун дивиденд миқдорини аниқлаш ҳақида.
 2. Кузатув кенгаши расига ҳақ белгилаш тўғрисида.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисидаги ҳамда кун тартибига киритилган масалалар бўйича маълумотларни белгиланган тартибда жамият кузатув кенгашидан олишиңиз мумкин. Умумий йиғилишда иштирок этувчи акциядорлар ва уларнинг вакилларини рўйхатда олиш соат 9.00дан бошланади. Рўйхатдан ўтиш учун акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим этишлари лозим. Манзил: Наманган шаҳри, А.Раҳимов кўчаси, 25-уй. Телефонлар: 6-47-11, 6-49-91, 6-44-65, факс: 6-49-91. Кузатув кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси академик Дилбар Қобуловага уқаси ҚОҶАР аянинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.	«Ўзбекнефга» Миллий ҳолдинг компанияси меҳнат жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.
Тошкент Давлат аграр университетини ректорати ва жамоаси иқтисодиёт факультети декани, профессор Болташ Абдуллоевга уқаси Дилор АБДУЛЛОЕВ нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.	Феруза ШЕРАЛИЕВ нинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.
«Ўзбекнефга» Миллий ҳолдинг компаниясининг меҳнат жамоаси «Ўзгонефга» қўшма таъриба акционерлик компаниясини бош директорининг биринчи ўринбосари Иркин Вагаповага уқаси Дилор ВАГАПОВА нинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.	Камолитдин Беход номидаги Миллий расомлик ва дизайн институтини жамоаси санъатшунослик факультети ўқитувчиси, санъатшунослик илмий тадқиқот институтини аспиранти Толибжон Аъзамжонов АХМАДАЛИЕВ нинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг онла аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.
Биринчи Тошкент Давлат табиёт институтини ректорати ва клиника раҳбарияти институт клиникасининг собиқ бош шифокори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач Дилор СИРОЖЕВ нинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг онла аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.	Тошкент молия институтини ректорати ва жамоаси «Иқтисодий назария» кафедраси профессори Э.Эгамовга уқаси, «Банк иши» кафедраси катта ўқитувчиси Д. Савидовага уқаси Мухсиния АБДУЛЛАЕВ нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР
Ўзбекистон Республикаси Олий Маълумот Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»),
- М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
- Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»),
- С. ЗИНИН,
- М. МИРАЛИМОВ,
- С. МУХИДДИНОВ,
- Ш. РИЗАЕВ,
- М. САФАРОВ,
- Р. ФАТҲОДИЙ,
- И. ХУДОЁЕВ,
- И. ШОҒУЛОМОВ,
- О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
- Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Иқтисодий-сўсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
- Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
- Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; 133-07-48;
- Фан, соғлиқни сақлаш ва ҳалқ таълими — 132-12-08;
- Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маълумот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 777, 27606 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. ҚОҶОЗ БИЧИМИ А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилган ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланган.

Навбатчи котиб — **Ю. ҲАМИДОВ.** Навбатчи муҳаррир — **Қ. ЭШМАТОВ.** Навбатчи — **С. ДОНИЕВОВ.** Муасхиф — **Ш. МАНРАББОВОВ.**

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. [] — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясини босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилади — 21.15. 1 2 3 4 5 6